QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«15» декабрь 2021-y. № 03-04/2-5647 «___» ________ 2021-j.

**Барлық район (қала)лық халық билимлендириў бөлими баслықларына ҳәм де республикалық бойсыныўдағы билимлендириў мекемелери директорларына**

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги Сизге, Өзбекстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигиниң 2021-жыл 15-декабрьдеги 03-03/2-3537-санлы хатын қосымшаға муўапық жибермекте.

**Министр орынбасары** **Ш.Таджимуратов**

Орынлаўшы: Г. Бекмуратова
Тел. 61-222-24-29

И. Ба...
Г. Бекм...

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

100011, Toshkent, Navoiy ko'chasi, 2a-uy
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

**MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

2a, Navoiy Street, Tashkent, 100011
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

2021-y. «15» декабрь № 03-03/2-3537 «__» ________ 2021 г.

**Вазирлик тизимидаги барча ташкилот ва муассасаларга**

Халқ таълими вазирлиги Сизга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (07/31-02-01-32/3521-сон, 10.12.21й.) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (15-21/1295-сон, 10.12.21й.) қўшма хатини иловага мувофиқ иш жараёнида фойдаланиш учун юбормокда.

Илова 2 варакда.

**Вазир ўринбосари** **Т. Комилов**

QR XALÍQ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI
KIRIS № 964
«15» 12 2021 jil.

*Ижрочи: Х.Мирходиев*
Тел: 97-391-16-76

**Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари**

**Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош бошқармалари**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари**

**Тижорат банклари**

**Давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирлик ва идоралар**

**Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижросини 2021 молия йилини муваффақиятли якунлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

**1.** Бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар ва давлат мақсадли жамғармаларининг жорий молия йилини якунлаш билан боғлиқ бўлган барча операцияларнинг охирги иш куни **2021 йил 30 декабрь** этиб белгиланди *(2021 йилни якунлаш бўйича қўшимча давр бўлмайди)*.

**2.** Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларининг 23404, 23405 ва 23422-сонли баланс ҳисобварақлардаги фойдаланилмаган бюджет маблағлари 2021 йил **30 декабрга** қадар Давлат бюджетига қайтарилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларининг чет эл валютасида 4900.... манбаси билан очилган шахсий газна ҳисобварағидаги фойдаланилмаган бюджет маблағлари 2021 йил **28 декабрга** қадар Давлат бюджетига қайтарилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларининг барча манбасидан қатъий назар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун буюртманомалар 2021 йил **27 декабрга** қадар қабул қилинади.

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларидан тўловларни *(аккредитив ҳисоб китоблар ва чет эл банкларига тўловлар)* амалга ошириш учун 2021 йил **27 декабрга** қадар қабул қилинади.

Бунда, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан чет эл маблағлари хариди учун 4900.... манбаси билан

O'zbekiston Respublikasi
Moliya Vazirligi
Kel. 28-156
«23» 12 2021

очилган шахсий ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар чет эл валютасидан миллий валютага конвертация қилиниб, тегишли касса харажатини тиклашга йўналтирилади.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг 23404, 23405 ва 23422-сонли баланс ҳисобварақлардаги мавжуд бўлган қолдиқлар белгиланган тартибда бюджет ташкилотларнинг тўлов топшириқномалари асосида 30 декабрь соат 16-00 га қадар Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

***Маълумот учун,*** *Ягона ғазна ҳисоб-рақами реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, Ҳисоб-китоб касса маркази, банк коди 00014, 23402000300100001010, СТИР 201122919). Шу билан бирга, тўлов топшириқномаларнинг тўлов мақсадида қайтариш коди (09520), молиялаштирилган шахсий ғазна ҳисобварақ, ҳаражатлар моддаси ҳамда "“__” ______ 2021 й.“__” - сонли тўлов топшириқномасига асосан молиялаштирилган маблағларнинг қолдиқ суммасини қайтариш" сўзлари ёзилиши лозим.*

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 2-иловасидаги айрим республика тиббиёт муассасалари ҳамда илм-фан соҳаси бўйича молиялаштириладиган муассасалар учун (7013300, 7015100, 7015200, 7015300, 7015400, 7024300, 7024400, 7038300, 7048120, 7048130,7048210, 7048220, 7048230, 7048240, 7048420, 7048430, 7048440, 7048530, 7048540, 7048620, 7048630, 7048910, 7048920, 7048930, 7055200, 7055300, 7075100, 7075200, 7075300, 7075400, 7088200, 7088300, 7097100, 7097200, 7097300, 7097400), декабрь ойи учун иш ҳақи ва ижтимоий солиқ ҳамда 4-гуруҳ харажатлари (шу жумладан кредиторлик қарзларини қоплаш) учун тўлов топшириқномаларини (ҳужжатларни) ғазначилик бўлинмаларига топширишнинг охирги муддати 2021 йил **30 декабрь** соат 13-00 га қадар этиб белгиланди.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **Ўзбекистон Республикаси** |
| **Молия вазири ўринбосари** | **Марказий банки раиси ўринбосари** |
| **О. Исаков** | **И. Абдугафаров** |
| "10" декабрь **2021 йил.** | "10" декабрь **2021 йил.** |
| № 07/31-02-01-32/3521 | № 10-11/1295 |